ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 87 (6977). | 9 май, 1979 йил | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.



УНУТИЛМАС КУНЛАР ШУҲРАТИ

А. ЛЕБЕДЕВ,
артиллерия генерал-майори.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари, бутун тараққийпарвар инсоният фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 34 йиллигини тантанали нишонламоқда. Буюк ғалаба куни бу йил Ленин партиясининг XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун қураш, сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида байрам қилинмоқда.

Ўтган йилларнинг улуғвор воқеаларига назар ташлаб, биз совет халқи қаҳрамонона меҳнати ва жасоратининг нақадар буюклигига янада тўлароқ ишонч ҳосил қиламиз. Халқимиз фашизмга қарши мисли кўрилмаган жанғу-жадалларда ғолиб чиқиб, Ватанимизни, социализмнинг буюк муваффақиятларини мардонавор ҳимоя қилди. Бунда коммунистик партиянинг буюк илҳомбахш кучи намоён. Улуғ Ватан урушининг оловли йилларида партия совет халқини барча қийинчиликлардан олиб ўтди.

Душман устидан ғалабга қозонгунча бўлган йўл оғир ва узоқ эди.

Бу йўл 1418 кун ва тун минглаб километрлик фронтлардан, денгиз ва ҳаво кенгликларидаги қақшатқич олишувлардан ўтади. Ғалабага ана шу энг оғир кун ва уйқусиз тунларни қурбон қилган ватанпарвар меҳнаткашларнинг завод ва фабрикалардаги, колхоз ва совхоз далаларидаги фидокорона меҳнати ҳам муҳим бир ҳисса бўлиб қўшилди.

Биз Улуғ Ватан урушининг ҳал қилувчи воқеаларини эслаганимизда Москва остонасида ғитлерчиларнинг «яшин тезлигидаги уруш» афсонасини кунпая-кун қилган жанглар, Сталинграднинг ўлмас жасорати, Орёл—Курск ёйидаги буюк олишув, Днепрни кечиб ўтиш, 1944—1945 йиллардаги ажойиб ҳужумкорлик операцияларини ҳақли равишда фахрланиб тилга оламиз.

Ватан мард совет ўғлонларининг, фронтчи қизларининг жасоратини муносиб тақдирлади. Уруш фронтларида жанг қилган 7 миллиондан ортиқ киши орден ва медалларга сазовор бўлди. 11603 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди. Бу унвонга 104 киши икки марта, уч киши эса уч марта сазовор бўлди.

Халқ совет жангчиларининг қаҳрамонликларини миннатдорчилик билан эсга олади. Унутилмас жасоратлар уруш йиллари ўнлаб, юзлаб ва минглаб марта рўй берганлигини биламиз. Улуғ Ватан урушининг давомида амбразурадан отилиб чиққанга ўқ ёмғирини кўкси билан тўсган Александр Матросов жасорати 300 марта такрорланганлигини эслаш, кифоя.

Душман орқасида босқинчилар билан бўлган жангларда кўрсатган жасурлиги ва мардлиги учун партизан ҳаракати қатнашчиларига 184 мингдан ортиқ орден ва медаллар топширилди. Энг яхши намуна кўрсатган партизанлардан 234 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони олди.

Фронт орқасида кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қилган меҳнаткашлар Ватан олдидаги бурчларини шараф билан оқладилар. Урушнинг бошидан охиригача фронт ва фронт орқаси ягона жанговар лагерни ташкил қилди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» «Ишчи, деҳқон ва зиёлилар, ёшлар ва совет хотин-қизларининг жанговар шиори шундай эди. Уларнинг фидокорона меҳнати юксак мукофотлар билан тақдирландм. Уруш йилларида 199 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олишга эришди. «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида «Шижоатли меҳнати учун» медали билан 16 миллион киши мукофотланди.

Буюк ғалаба байрамини нишонлар экамиз, биз немис-фашист босқинчиларини тормор келтириш ишига муносиб ҳисса қўшган туркистонлик жангчилар ҳизматини ҳам фахр билан таъкидлаймиз.

Улуғ Ватан урушн даврида Ватанни ҳимоя қилишда округимиз жангчилари ўзларининг аскарлик бурчларини бажариб, фидокорлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Улар орасидан 821 Совет Иттифоқи Қаҳрамони етишиб чиқди. 12 туркистонли Александр Матросов жасоратини такрорлади. 16 жангчи номи эса ҳарбий қисмларнинг рўйхатига абадий ёзиб қўйилди. Округ территориясида ташкил қилинган 20 қўшилма ва қисм Совет Иттифоқининг орденлари билан тақдирланди. 12 та қўшилма эса гвардиячи номини олди.

[Давоми 3-бетда].

КРЕМЛДА МУКОФОТЛАРНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 8 май куни Кремлда таниқли ҳарбий бошлиқларга, партия ва совет ходимларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мукофотларни топшира туриб, бундай деди:

Азиз ўртоқлар!

Мен ёкимли бир вазифани бажаришим — Қуролли Кучларимизнинг бир группа таниқли ҳарбий бошлиқларига, партия ва давлат аппаратининг ходимларига Ватаннинг юксак мукофотларини ва ҳарбий даражанишонларини топширишим керак.

СССР Қуролли Кучлари олдидаги хизматлари учун ва туғилган кунининг олтмиш йиллиги муносабати билан армия генерали Анатолий Иванович Грибков Ленин ордени билан мукофотланди. Маълумки, У Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар бирлашган қуролли кучлари штабининг бошлиғи лавозимида кўп иш қилмоқда.

Таниқли ҳарбий бошлиқлардан яна уч киши — армия генерали Александр Михайлович Майоров ва генерал-полковниклар Владимир Михайлович Вишенков билан Алексей Дмитриевич Мелехиннинг хизматлари ҳам Ленин ордени билан тақдирланди. Улар жанговар ва сиёсий тайёргарликда эришган муваффақиятлари, қўшинларнинг юксак жанговар шай ҳолатда бўлишини таъминлаганликлари ва мураккаб жанговар техникани ўзлаштирганликлари учун мукофотландилар.

Ўртоқлар, самимий табрикларимни қабул қилгайсизлар. Улуғ Ленин сиймоси тасвирланган орденни шараф билан тақиб юрингиз. Сизларга сиҳат-саломатлик ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман!

КПСС Марказий Комитети аппаратидаги катта самарали иши учун ва туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими Георгий Эммануилович Цуканов ҳам Ленин ордени билан мукофотланди. Мен мана қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён турли соҳаларда ўртоқ Цуканов билан биргаликда ишлаб келаётганлигим туфайли уни яхши биламан. Билганда ҳам партия ишига астойдил содиқ, сергайрат ва моҳир ходим сифатида биламан. Шу боисдан сизга, Георгий Эммануилович, бугун шу мукофотни топшириш мен учун айниқса ёкимлидир. Табрикларимни ва энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Оренбург газ комплекси учинчи навбатини барпо этишда ва унинг лойиҳа қувватини ўзлаштиришда эришган муваффақиятлари учун СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари Юрий Леонидович Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланди. Мукофотни қабул қилишни сўрайман ва чин қалбдан табриклайман.

Ўртоқлар, пировардида мен янги армия генераллари — Сергей Федорович Ахромеевга, Михаил Михайлович Козловга ва Георгий Карпович Циневга ёрлиқларни ҳамда қўшин турларининг маршаллик юлдузларини зўр мамнуният туйғуси билан топшираман. Мамлакат Қуролли Кучларининг раҳбарлик лавозимларидаги, олий командир кадрларимизни тайёрлашдаги ҳамда социалистик Ватаннинг давлат хавфсизлигини таъминлашдаги актив ва самарали фаолияти яхши маълум бўлган ўртоқлар СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан шу юксак ҳарбий унвонга сазовор бўлдилар. Азиз ўртоқлар, сизларни мубораксбод этаман, сиҳат-саломатлик ва масъулиятли ишларингизда янги катта муваффақиятлар тилайман.

* * *

Мукофотланган кишилар ўз фаолиятларига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга қизғин ташаккур изҳор этдилар. Улар ўзимизнинг бутун билимимиз ва тажрибамизни бундан буён ҳам Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга, коммунистик жамият қуриш ишига сарфлайверамиз, деб ваъда бердилар.

Мукофотлаони топшириш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ САВИЯСИНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетида Марказий газеталар, журналлар, нашриётлар, телевидение ва радиоэшиттириш, информация агентликлари, бошқа идеология муассасалари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг «Идеология, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш тадбирлари муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитетининг қарори ҳозирги шароитда партиянинг идеология ишлари учун катта принципиал аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Кенгашда сўзга чиққан «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, «Известия» газетасининг бош редактори П. Ф. Алексеев, СССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси С. Г. Лапин, «Новости» матбуот агентлиги правлениесининг раиси Л. Н. Толкунов, СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетининг раиси Б. И. Стукалин, ТАСС бош директорининг ўринбосари А. А. Баранов КПСС Марказий Комитетининг қарорини тўла маъқуллаб, шу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш режалари тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, И. В. Капитонов қатнашдилар.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1979 йил 9 Май. § 115 Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ўртоқлар!

Бугун ватанимиз, қардош социалистик мамлакатлар, бутун тараққийпарвар инсоният Германия фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 34 йиллигини байрам қиладилар.

Совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари Ленин партияси раҳбарлигида гитлерчилар Германиясини қақшатгич мағлубиятга учратдилар, социалистик ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолдилар, буюк халоскорлик вазифасини амалга оширдилар. Улуғ Ватан урушидаги тарихий ғалаба совет ижтимоий ва давлат тузумининг ҳаётий қобилияти ва енгилмаслигини яққол исботлади. Бу ғалаба жаҳон империализми ва реакцияси позицияларн заифлашувига олиб келди, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши учун қулай шарт-шароит яратди, ишчи ва миллий озодлик ҳаракатининг юксалишига, империализм мустамлакачилик системасининг барбод бўлишига кўмаклашди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари, армия ва флот жангчилари Ғалаба қунини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ёпасига жўш урган вазиятда нишонламоқдалар. КПСС XXV съезднинг қарорлари муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда, ватаннинг иқтисодий қудрати муттасил ўсмоқда, совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ошмоқда. Совет кишилари 1979 йилги план топшириқларини ва умуман ўнинчи беш йилликни бажаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришишга интилмоқдалар.

Совет давлатининг турли социал тузумдаги мамлакатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга қаратилган ленинча ташқи сиёсатини совет халқи, ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Айни вақтда империализмнинг реакцион доиралари халқаро кескинликни юмшатиш жараёнига ўжарлик билан қаршилик қилмоқдалар, қуролланиш пойгасига қамчи босмоқдалар. СССР билан ХХР ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини тўхтатишни маълум қилган Хитойнинг ҳукмрон юқори тўдаси ўзининг авантюрадан иборат агрессия, буюк давлатчилик шовинизми ва гегемонизм сиёсатини улар билан бирга утказмоқда.

Шундай шароитда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати мамлакат мудофаасини янада мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмоқдалар, қуролли кучларимизнинг ҳушёрлигини ва жанговар тайёрлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашган армия ва флот жангчилари ўзларининг жанговар маҳоратини доимо такомиллаштирмоқдалар, қардош социалистик мамлакатлар армияларининг жангчилари билан бир сафда социализм ғалабаларига ва халқлар хавфсизлигига сергак посбон бўлиб турибдилар.

СССР Қуролли Кучларининг шахсий составини, ветеранларини, Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини Ғалаба байрами билан табриклайман ва қутлайман.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалаба қунининг 34 йиллигини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

Бугун, 9 Май, маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчь, Тулада, Қаҳрамон қалъа — Брестда, шунингдек Мурманск, Свердловск, Новосибирск, Хабаровск ва Владивостокда тўплардан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб салют берилсин.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СССР Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали
Д. УСТИНОВ.

КОИНОТ КАШШОФИ ХОТИРАСИ

Тошкентда Юрий Гагарин ҳайкали очилди

Йиллар ва асрлар ўтар, янги-янги авлодлар дунёга келар, аммо Юрий Гагарининг сиймоси инсоният хотирасидан асло ўчмас. Ғалаба куни арафасида Тошкент марказига, Анҳор бўйига тўпланган минглаб тошкентликлар унга, советлар мамлакатининг ажойиб ўғлонига аталган дил сўзларига гулларни қўшиб олиб келишди. 8 май куни бу ерда коинот кашшофи шарафига қўйилган улуғвор монумент тантанали вазиятда очилди.

Ҳайкал ўрнатилган тепалик атрофида меҳнаткашлар коллективлари вакилларининг, маҳаллий гарнизон жангчиларининг колоналари саф тортди. Пионерлар фахрий қоровулда жим туришди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров митингни очади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қизил лентани қирқади. Салобатли хайкалтарошлик композицияси тўпланганларнинг кўз ўнгида намоён бўлади. Юрий Гагаринниг бронза гавдаси олдинга интилиб турибди. Биринчи космонавтнинг ўнг қўлида олис юлдузларни забт этиш даврини очган афсонавий йўлдош макети бор. Орқадаги 28 метрли ўк Гагарин кетидан космоса йўл олган ўнлаб кемаларнинг орбитаси рамзидир. Композиция авторлари — СССР Давлат мукофотининг лауреати хайкалтарош Г. Н. Постников, СССР Давлат мукофотининг лауреати архитектор С. Р. Одилов ва архитектор Р. Г. Юсуповлар замона жўшқинлигини, ерликларнинг коинот бўшлиқларига дадил интилишини ифодалаб берганлар. Планетадаги барча кишиларнинг бахт-саодати деб космосга одим ташлаган бу олдий инсон улуғвор назар ташлаб турибди.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев нутқ сўзлади.

Тошкентдаги Юрий Гагарин ҳайкали Ғалаба куни арафасида очилаётгани ғоят маънодор воқеадир, деб таъкидлади Ўз нутқида тантаналарда қатнашиш учун Тошкентга келган космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи, авиация генерал-лейтенанти, СССРнинг космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Т. Береговой. Биринчи совет космонавтининг жасорати социалистик ватан қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида янги ютуқларга чорлайди, тинчлик, тараққиёт учун кураш омили бўлиб хизмат қилади.

Гагарин номли «Ташгекстильмаш» заводининг слесари М. Қулибоев, Калинин районидаги Гагарин номли совхоз директори Ш. Ҳўжаев, Тошкент политехника институтининг студенти, Гагарин шаҳри қурилишида қатнашган студентлар отрядининг аъзоси И. Никитиналар мамлакатимиз халқлари Ленин партияси раҳбарлигида фан ва техникани ривожлантиришда, космосни ўзлаштиришда эришган жуда катта муваффақиятлари учун фахрланиш туйғуларини, Ўзбекистон меҳнатчилари, барча совет кишилари ҳамиша ва ҳар ишда Юрий Гагариндан ибрат олиш иштиёқида эканликларини изҳор этдилар.

Совет Армиясининг жангчилари монумент ёнидан тантанали марш қилиб ўтдилар. Ҳайкал пойида баҳор гуллари уюлиб кетди.

Монументни очишга бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусаҳонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Н. Маҳмудов қатнашдилар. Тантана қатнашчилари орасида СССРнинг космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Жонибеков бор эди.

(ЎзТАГ).

«РУС ТИЛИ—СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ҚАРДОШЛИГИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИ

ҲОЗИРГИ вақтда мамлакатимизда умумий мажбурий ўрта таълим ҳар томонлама муваффақиятли ривожланмоқда. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифасини оператив ҳал қилиш жуда муҳим бўлиб қолди. Ана шундай шароитда республикамизнинг миллий мактабларида рус тили ва адабиётини ўқитиш ва ўрганиш ишини яхши йўлга қўйиш зарурияти айниқса яққол сезилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида бу ҳудратли тилни ўқитишни интенсивлаштиришнинг муҳим муаммоларини ҳал этишни координациялаштириш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Педагогика олий ўқув юртлари мутахассислари билан ҳамкорликда ҳамда методистлар, ўқитувчи-тилчилар билан яқин алоқада бўлиб, рус тили бўйича янги программалар ва оригинал дарсликлар яратдик. Бу нашрлар ўқувчиларнинг рус тили ва адабиёти бўйича олаётган билим ва малакаларини янада бойитишга, ўқитиш сифатини яхшилашга имкон беради.

Рус тили ва адабиёти ўқитишнинг янги мазмунини аниқлаш юзасидан олиб борилган кўп қиррали ишлар ҳамда уларнинг янги дарсликларда ўз ифодасини топиши ёндошиш фанларнинг материалини комплекс планлаштириш ишлаб чиқилди. «Рус тили — чуқур ўрганиш предмети» деган номда дастлабки методик қўлланма яратилди.

Мазкур севимли фанни пухта эгаллашга ёрдам берувчи тадбирлар комплекси да мактабгача тарбия муассасаларида рус тилини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Бу борада институтимизда кўп иш қилинди. Мактабгача ёшдаги болаларга рус тилини ўргатиш программаси чоп этилди. «Ўзбекистон миллий болалар боғчаларида рус ўзаги нутқига ўргатиш методикаси» қўлланмаси чиқарилди. Боғча тарбиявий программасининг «Рус тилини ўргатиш» бўлимига қўшимчалар киритилди.

Боғчалар ва кичкинтойларга рус тилини ўргатиш масалалари бўйича илмий-назарий конференциялар ўтказилмоқда. Тарбиячилар ва ота-оналар учун телевизион кўрсатувлар ташкил этилаётир. Бундай муассасалар кўрсатмали қуроллар, таълимнинг техника воситалари билан таъминланди, тайёрлов группаларининг тарбиячилари эса ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти курсларида ўз билим ва маҳоратларини бойитидилар.

Миллий мактабларда рус тили ва адабиётини ўқитишни интенсивлаштириш муаммолари бўйича яратилган илмий хулосалар бевосита мактаб ишига тадбиқ қилинмоқда. Бу хил кузатиш натижалари илмий ишлар тўпламларида, методик журналларда ўз аксини топаётир. Шунингдек, илмий-методик тавсиялар «Педагогик ўқишлар» тўпламларида кенг ёритилмоқда.

Қудратли тил бўйича келгусида кўпгина тадқиқотлар олиб борилади. Бу фанни чуқурлаштирилган ҳолда ўрганишнинг йўллари аниқланади ва унинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилади. Рус тили ва адабиёти бўйича факультатив курсларнинг мазмуни, структураси, методик формалари ривожлантирилади.

Шу ойда Тошкентда ўтказиладиган «Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» Бутуниттифоқ конференцияси севимли ва улуғ тилни ўқитишни янада яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

М. ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси.

ИЖОДКОР СТУДЕНТЛАР

ҲОЗИР деярли барча йирик олий ўқув юртларида студентлар конструкторлик бюролари ишлаб турибди. Тошкент Алоқа электроника институтида ҳам ёшларнинг бу хил ижодкорлиги кенг йўлга қўйилган.

Бюро аъзоларининг ўтган йили амалга оширган ишлари жуда самарали бўлган эди. Конструкторлик бўйича қатор янгиликлар жорий этилди.

Шу билан бирга тўртта диплом иши ишлаб чиқаришга тақдим қилинди. Ундан ортиқ мустақил иш натижаси ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди.

Институт ижодкор ёшларининг бу ибратли иши Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ студентлар конструкторлик бюролари кўригида муносиб тақдирланди. Уларга кўрининг рағбатлантирувчи мукофоти берилди.



Тажрибали педагог Т. В. Злобинская илғор рус тили ўқитувчиси сифатида танилган. У ҳозир Тошкентдаги 179-ўрта мактабда дарс беради. Суратда: ўртоқ Т. В. Злобинская ўқувчилар билан.

А. Тўраев фотоси.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАШҲУР ДОРИШУНОС ОЛИМ

КЎП асрлар ўтган бўлишига қарамай, Абу Али ибн Синонинг ажойиб мероси ҳамон битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ибн Сино табиий фанларни, хусусан табобатни севиб ўрганди. У ўзининг туғма истеъдоди ва ниҳоятда меҳнатсеварлиги туфайли дарсларни осонлик билан ўзлаштирар ва ҳатто муаллимларига номаълум нарсаларни ҳам китобдан мустақил ўқиб, билиб оларди.

Айниқса, тиб илмида у жуда тез камол топа бошлади. Улкан илм-фан арбоблари қаторига 16 ёшли ибн Сино моҳир табиб сифатида кириб келди.

Маълумки, мунажжим ва астрологлар Вавилонияда бизнинг эрамиз бошларида ҳам бор эдилар. Медицинадан бехабар кишилар ҳам қадимдан касалларни даволаш билан шуғулланар эдилар. Ибн Сино асарлари адабий манбаларнинг —Греция ва Рим, Ҳиндистон ва Хитой олимларининг ижодларидан олинган маълумотларнинг кўпчилиги ва турли-туманлиги билангина эмас, балки ҳаётий ва илмий жиҳатдан пухта ишланган материалларнинг мўллиги билан ҳам эътиборни ўзига тортади.

Ибн Сино диндорларнинг ақидаларини ҳам, ўзига замондош олимларнинг схоластик донишмандлигини ҳам рад этиб, кузатиш ва тажрибанинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф қилди. Дарбадар кезишларида, қилган саёҳатларида олим жуда кўп маълумотларни тўплади. Шарқ маколида айтилганидек, ақл узоқ умрдан эмас, балки тез-тез саёҳатда камолга етади.

Беморнинг ётоғи олдида қилинган кузатишлар тажрибадан олинган далиллар билан исботланади ва тўлдирилади. Унинг машҳур «Ал-қонуни фи-ттиб»ининг диагностик ва даволашга оид бир қанча фасллариda ибн Синонинг бой кимёвий билими намоён бўлди. Бу каби донишмандҳоят, кейинчалик гигиена деб номланган фан — соғлиқни қандай сақлаш кераклиги ҳақидаги таълимот ҳам унда жуда батафсил баён қилинган.

Иккинчи китобда оддий дори-дармонлар баён этилиб, уларнинг кўпчилиги алфавит тартибида келтирилган. Шунингдек, уларни қаердан олиш, қаердан топиш ва қўллаш усуллари кўрсатилган.

Учинчи китобда хусусий касалликлар, уларни даволаш усуллари таърифланади. Унда бош, қулоқ, бурун, тил ва бошқа аъзоларнинг касалликлари ҳақида баҳс юритилган.

Баданнинг умумий касалликлари эса тўртинчи китобда ўз аксини топган. «Қонун»нинг охирги бешинчи китобида мураккаб дори-дармонлар тўғрисида гап боради.

«Тиб илми қонуни» деган мазмунни билдирувчи бу асар тугал медицина энциклопедияси ҳисобланади. У XV асрнинг кейинги 30 йили мобайнида лотин тилида 16 марта, ҳаммаси бўлиб 40 марта тўлалигича ва жуда кўп марта қисмларга бўлиниб нашр қилинди.

Кўп йиллар давомида дунё врачлари «Қонун»дан битмас-туганмас илм манбаи сифатида фойдаланиб келмоқдалар. Бу нодир тўпламларни ўқиган ҳозирги замон китобхони ҳам унинг бир бутун системага эга бўлган, мукаммал тузилган ва ҳар бир қисми асосли равишда ёзилган асар эканлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Буюк олим ва мутафаккир Ибн Сино машҳур дорифатида татбиқ этди. Масалан, ҳозирги вақтда ҳам кенг қўлланиб келинаётган олтин, кумуш ва мис препаратлари, темир ва қўргошин бирикмалари, олтингугурт, сода, гипс, марганец тузлари, новшадир, аччиқтош ва шу кабилар бунга яққол мисол бўла олади.

У доришунослигининг яратилиш жараёнини ниҳоясига етказди. Тарқоқ маълумотларни ўз кузатиш ва тажрибалари билан мукаммаллаштирди ва системага солди. Уларни медицина назарияси билан боғлади ва ниҳоят ўз фармакопеясини яратди.

Улуғ табиб томонидан тавсиф қилинган жуда кўп дорилар ҳозирги вақтда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, оддий дорилар китобида келтирилган араб ва астрагал елимлари, сурма ва қўргошин препаратлари турли смола ва бальзамлар, крахмал, ош тузи ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари порошоклар, суюқ дорилар, шарбат, қайнатма, медицина мойлари ва малҳамлардан турли касалликларни даволашда фойдаланилмоқда.

Ибн Сино деярлик билимнинг барча соҳаларида самарали ижодий фаолиик кўрсата олди. Унинг бу бой бебаҳо мероси умумжаҳон мулки бўлиб қолди.

З. НАЗИРОВ,
Тошкент фармацевтика институти дорилар технологияси кафедрасининг мудири, доцент.
Л. ИКРОМОВ,
Токсикология кафедрасининг мудири, профессор.
Х. АБДУСАМАТОВ,
кафедра ассистенти.

РАЙКОМ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР

КАЛИНИН районининг қишлоқ ва посёлка Советлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, меҳнаткашларни беш йиллик вазифаларни бажаришга сафарбар этишда ижобий самараларга эришмоқдалар. Уларнинг бевосита раҳбарлиги ва иштироки билан ўтган уч йил ичида районда 16474 квадрат метр турар-жой, 4677 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари ва синф ҳоналари, 105 ўринли шифохона, кунига 300 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника, 304 ўринли болалар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу давр ичида 1215 ҳонадон газлаштирилди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди.

Қишлоқ меҳнаткашлари биргина 1978 йилнинг ўзида давлатга 117 минг тонна сабзавот маҳсулотлари топшириб, оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. КПСС XXV съезди қарорлари асосида халқ депутатлари Советларининг ташкилотчилик фаолиятини янада кучайтириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган пленумда бу рақамлар тилга олинди. Эришилган ютуқларда маҳаллий Советларда фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари ва уларга уюшган коммунистларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир район, қишлоқ ва посёлка Советларининг саккизта бошланғич партия ташкилотлари иш олиб боряпти. Шунингдек, Советлардаги депутатлардан 452 нафар киши КПСС аъзоси бўлиб, улар жойларда талабчанликни кучайтиришга, оммага етакчилик қилмоқдалар.

Район халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда депутатларнинг ташкилотчилиги яққол сезилиб турибди. Улар меҳнатда шахсий ибрат кўрсатишяпти. 953 халқ депутатидан 300 нафардан зиёди беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда адо этиш учун курашмоқда. Ленин, Фрунзе, Свердлов номли ҳамда Назарбек, Иттифоқ қишлоқ Советлари ижроия комитетлари ва уларнинг доимий комиссиялари депутатлар активлигини ошириш, омма билан алоқани мустаҳкамлашда бирмунча ютуқларга эришяптилар.

Пленумда доклад қилган район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қ. Қамбаров ва бошқа сўзга чиққанлар бу муваффақиятлар билан бир қаторда район маҳаллий Советлари фаолиятида ҳали қатор камчиликлар ҳам борлигини таъкидлашди. Жумладан, Ўзгариш, Хонобод қишлоқ Советлари сессияларини пухта тайёргарлик билан ўтказилмайди, йиғилишларда барча депутатлар актив қатнашмайди. Бу эса ўз навбатида қабул қилинган қарорларнинг тўла ва ўз муддатида бажарилишини таъминламаяпти.

Пленум иштирокчилари маҳаллий Советлар фаолиятини янада яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни белгилаб олдилар.

А. ХАТАМОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ВАЗИФАЛАРИ

ҚОБУЛ, 7 май. (ТАСС мухбири). АДР планлаштириш министри Содиқ Олимер ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Афғонистон Демократик Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш биринчи беш йиллик плани — иқтисодий ривожланиш ва социал тараққиёт соҳасида АҲДП ишлаб чиққан узоқ муддатли программани рўёбга чиқаришда муҳим босқичдир. Республика министрлар кенгаши планнинг асосий йўналишларини маъқуллади. Бу планнинг амалга оширилиши Афғонистонни қолоқ мамлакатдан саноати ривожланган ва қишлоқ хўжалиги гоят маҳсулдор бўлган замонавий давлатга айлантириш имконини беради.

Иқтисодий қолоқликка барҳам бериш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, шунингдек мудофаа қобилиятини таъминлаш биринчи беш йилликнинг бош вазифаларидир, деб таъкидлади министр.

Беш йиллик мобайнида мамлакатнинг миллий даромадини 29 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Саноатнинг янги тармоқлари барпо этилади. Беш йилликда давлат йўли билан капитал маблағ сарфлаш ҳажми бундан олдинги беш йил ичида сарфланган капитал маблағдан 2,5 баравар ошиб кетади.

Афғонистон — аграр мамлакат. Унинг қишлоқ хўжалигида бутун аҳолининг қарийб саксон процентидан ортиғи банддир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миллий даромаддаги салмоғи 60 процентдан ошади. Табиийки, беш йиллик планда бу тармоқни ривожлантиришга катта ўрин берилади. Қишлоқ хўжалиги олдида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган талаб-эҳтиёжини тобора тўлиқроқ қондириш вазифаси турибди.

Л. БИРЮКОВ.

АГРЕССИЯ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

БАЙРУТ, 7 май. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари қўшни Ливанга қарши яна бир оғир жиноят қилди. Бугун тонготарда Исроил авиацияси Тир шаҳридан икки километр наридаги Жалл ал-Баҳр районини ярим соат мобайнида бомбардимон қилди. Хабар қилишича, шу ҳужум натижасида 11 киши ўлган, ўнлаб киши жароҳатланган, кўпгина уйлар батамом вайрон бўлган.

Кеча Исроил ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Триполи шаҳридан бир неча километр шимолда жойлашган Наҳр Ал-Барид районини ва бошқа аҳоли пунктларини қаттиқ бомбардимон қилди. Байрут радиосининг хабарига кўра ана шу ваҳшиёна ҳужум натижасида ўн бешга яқин киши нобуд бўлган. Муҳаммара қишлоғида Исроил отган ракеталардан бири тўй бўлаётган уйга тушган. Шу ернинг ўзидагина ўттиздан ортиқ киши ўлган ва жароҳатланган.

Байрут матбуотининг ёзишига кўра, Исроилнинг ҳужумлари ва ўққа тутишлари натижасида тўрт кунининг ичидагина 70 дан ортиқ ливанлик ва фаластинлик ҳалок бўлган, улар орасида кўпгина хотин-қизлар ва болалар бор.

Ливаннинг бош министри С. Хосс Наҳр ал-Бариддаги фаластинлик қочоқлар лагерига ҳамда Триполи районидаги аҳоли пунктларига Исроил самолётларининг ваҳшиёна ҳужумини қаттиқ қоралади. Ливанга қарши қилинган агрессия БМТ устави принципларини очиқдан-очиқ бузиш ва халқаро ҳуқуқ барча нормаларига қилинган дағдағадир.

Фаластин халқ озодлик фронтининг вакили Бассам Абу Шариф гапириб, Исроил Ливанга қарши ҳақиқий уруш очди ва Тель-Авивнинг иғвогарликлари Садат билан Бегин тузган сепарат битимининг таркибий қисмидир, деб таъкидлади.

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯ КИРДИКОРЛАРИ ҚОРАЛАНДИ

ТЕҲРОН, 7 май. (ТАСС). Эрон халқ партияси (ТУДЕ) Марказий Комитети баёнот бериб, яқинда Эроннинг таниқли диний-сиёсий арбоби оятулло Махтари ўлдирилганлигини ва кейинги вақтлар мамлакатда аксил инқилобий кучларнинг кирдикорлари кучайиб кетганлигини қаттиқ қоралади.

Контрреволюция, дейилади баёнотда, мамлакатда анархия ва тартибсизлик вазиятини вужудга келтириш, революцион кучларнинг сафларини пароканда этиш учун террор қилмоқда. Кейинги террорчилик ҳаракатларида империалистик ва сионистик махсус хизматлар билан тарқатиб юборилган яширин САВАК полициясининг методлари очиқ-равшан кўриниб турибди.

Реакция, дейилади яна баёнотда, коммунистларни қоралаш ва ўзининг жиноий муддаоларини яшириш учун террорчилик ҳаракатлари қилишда сўл кучларни, дастлаввал коммунистларни айблашга уринмоқда. Бу билан улар революциянинг турли отрядларини пароканда қилиш, революцион ҳаракатни бўшаштириш, коммунизмга қарши пропаганда кампаниясини бошлашдан иборат асосий мақсадларини кўзламоқдалар. Контрреволюция Эрон революциясининг раҳбари оятулло Хумайнининг баёнотларига зид ҳаракат қилмоқда. Оятулло Хумайни Эронда революциянинг асосий душманлари АҚШ ва унинг агентлари бўлиб, уларга қарши қатъий кураш олиб бормоқ зарур, деб неча бор таъкидлаганди.

Сўл кучлар ва Эрон коммунистлари, дейди ТУДЕ партияси, революцион ғалабаларнинг тугатилишидан ва империализм асоратига қайтишда манфаатдор эмаслар. Айни шу кучлар революция курашчиларининг олдинги сафларида туриб, АҚШ империализми ва агентларининг Эрон халқига қарши фитналарини фош этишни, контрреволюциянинг кирдикорларига қарши курашни, революцион жараённи кенгайтириш ва чуқурлаштиришни мақсад қилиб қўймоқда.

Эрон халқи, деб таъкидланади ҳужжатда, бугунги кунда асосий душман бўлмиш империализм ва ички реакцияга қарши ҳаракат бирлигига, барча тараққийпарвар кучлар иттифоқига муҳтождир. Эрон халқ партияси марказий комитети мамлакат ҳукуматига ва жамиятнинг барча революцион кучларига мурожаат этиб, контрреволюцион кучларнинг жиноий фаолиятига қарши кураш учун гоят қатъий чоралар кўришга даъват этди.

ҲХРДАН ҚОЧМОҚДАЛАР

СИНГАПУР, 7 май. (ТАСС). Хитой еридаги инглиз мустамлакаси — Гонконгга ХХРдан қочиб келаётган кишилар оқими ой сайин кучаймоқда. Қочиб келишнинг ҳозирги миқёси давом эта берса, деб ёзади «Саут чайна морнинг пост» газетаси, турли йўллар билан Гонконгга ўтаётган ХХР гражданлари бу йил 200 минг кишига етади. Газетанинг ёзишича, ҳозир ошкора қочоқларнинг ўзи ойига 16 минг кишига етмоқда. Айни вақтда кўпгина хитойлар ХХРдаги ижтимоий-иқтисодий турмушнинг оғир шароитларига бардош бера олмай, ўз жонларини тахлика остига қўйиб бўлса ҳам у ердан яширин тарзда қочмоқдалар. Ғарб матбуотининг хабарларига кўра, хитойлик қочоқлар орасида бирталай «Хунҳулар» ҳам бор, улар Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидаги маопарастлар сафига қўшилмоқдалар. Ҳозирги Пекин раҳбарлари уларни ўз гегемонизми ва экспансионизми қуроли деб билиб, уларга катта умид боғламоқдалар.



Шимолий Ирландияда ҳарбийлар ва полициячилар ўзбошимчалиги ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери давом этиб келмоқда. Вилоятда амалда бўлган фавқулодда қонунлар системаси маҳаллий аҳолининг гражданлик ҳуқуқларини оёқости қилишга қаратилган. Суратда: Шимолий Ирландиянинг Лондондерри шаҳри кўчаларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ

УНУТИЛМАС КУНЛАР ШУҲРАТИ

(Бошқ 1-бетда)

Урушнинг боришн мобайнида округда бир неча ўнлаб қўшилмалар ва қисмлар тузилди, улар Москва ва Ленинградни мудофаа қилишда, Волга ва Днепр учун бўлган жангларда, Висла ва Одерни штурм қилишда, Берлинни ишғол қилишда, Улуғ Ватан урушининг барча жанггоҳларида актив иштирок этдилар. Округимизда тузилиб, таълим берилган генерал И. В. Панфилов қўмондонлиги остидаги 316-ўқчи дивизия жангчилари жанговар байроқларини сўнмас шон-шарафга буркадилар.

Ватан душманларига қарши бўлган курашда 83-тоғ ўқчи дивизияси, 69-Қизил Байроқли ўқчи дивизия (бу дивизия жангчиларидан 70 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони олган), В. И. Ленин номидаги Тошкент ҳарбий билим юрти базасида тузилган 34- ва 35-алоҳида курсант бригадалари, бошқа кўплаб қўшилма ва қисмлар мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди.

Туркистон ҳарбий округи катта резерв кучларини тузиб, ўқитиб ҳаракатдаги армияга юборибгина қолмай, мамлакат жанубий чегараларининг хавфсизлигини таъминлади.

Фашизм устидан қозонган ғалабамиз совет жамиятининг ва давлат тузумининг капиталистик тузум олдидаги туб устунлигини, социализм табиатидаги объектив имкониятларни намоён қилди.

Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқи ғалаба қозонганлиги оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Душманнинг зарбдор кучлари тор-мор қилиниши капитализм позицияларининг умумий заифлашишига олиб келди, кўплаб мамлакатлар тараққиётининг социалистик йўлига ўтиб олишига қулай шарт-шароит яратди. Социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, бутун бир жаҳон системасига айланди. Ҳозирги кунда инсониятнинг учдан бири социализм йўлидан бормоқда.

Мустамлакачилик системасини ҳалокатга олиб келган миллий озодлик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Ҳозир 110 дан ортиқ мамлакат мустақил ривожланиш йўлига ўтган. Улардан айримлари социализмга мойиллик билдирмоқда. Бу империализм фронтининг бундан буёнги заифлашувини таъминлайди.

Жаҳон майдонида кучлар нисбати социализм фойдасига оғиб турган, империализмнинг агрессив ҳаракат имкониятлари сезиларли даражада қирқилган бўлишига қарамасдан ҳамон хотиржам яшашга йўл қўйиб бўлмайди, чунки империализмнинг босқинчилик табиати ҳамон ўзгармаган.

Ғарб мамлакатларининг таъсир доиралари халқаро кескинликни юмшатишга қаршилик қилмоқдалар, қуролланиш пойгасини авж олдириб, ер шарининг у ёки бу районида уруш оловини ёқишга уринмоқдалар.

Барча тинчликсевар халқлар учун ҳозирги Пекин раҳбарларининг ҳатти-ҳаракати катта хавф туғдирмоқда. Улар кескинликни юмшатишга чоҳ қазиб, жаҳон урушини орзу қилишмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ана шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, армия ва флотнинг жанговарлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Социалистик экономиканинг муваффақиятлари, совет фани ва техникасининг буюк ютуқлари бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳозирги кунда замонавий жанговар воситаларга эга бўлиши учун замин бўляпти. Қудратли техника ва қурол совет жангчиларининг ишончли қўлларида. Совет жангчилари Коммунистик партия, совет халқига беқиёс содиқдирлар.

Совет халқининг ўз армиясига бўлган чин муҳаббати, партиянинг Қуролли Кучлар тўғрисида қилаётган отаначча ғамхўрлиги жангчиларимизни шавкатли жанговар меҳнатга, ҳарбий такомилга эришувда янги муваффақиятлар сари руҳлантирмоқда.

Умумхалқ байрами — совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 34 йиллигини армия ва флот жангчиларн жанговар тайёргарликни янада такомиллаштиришда, жанговар ва сиёсий тайёргарлик вазифаларини ҳал қилишда, социалистик мажбуриятларни бажаришда ажойиб ютуқларга эришиш билан кутиб олишмоқда.

Барча Қуролли Кучлар ягона жанговар сафида Ғалаба байрамини бизнинг Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи жангчилари, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини кўз қорачиғидай қўриқлаб турган жангчилар ҳам юксак кўрсаткичлар билан нишонлаяпти.

КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш ва Буюк Ғалабанинг 34 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага кўтилган округ шахсий состави қишки таълим даврида жанговар ва сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришди, класс мутахассислари сони ортди.

Командирлар, сиёсий орган ва штаблар жанговарлик ва қўшинларнинг сафарбарлик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича катта иш олиб бормоқдалар.

Ана шу вазифаларни ҳал қилишга Тошкент гарнизонининг генераллари, офицерлари ва бутун шахсий состави салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ватанга чин кўнгилдан хизмат қилиб, обрў-эътибор ва чуқур ҳурмат қозонган Улуғ Ватан урушн ветеранлари номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Совет жангчилари партия қарорларини бажариб ва халқ иродасига бўйсуниб, бундан буён ҳам Ватан манфаатларини ҳимоя қилишда хушёр турадилар, ҳар қандай лаҳзада ўзларининг аскарлик ва интернационал бурчларини шараф билан бажаришга тайёрдирлар.



Рейхстаг устида Ғалаба байроғи. ТАСС фотохроникаси.

ҚАҲРАМОНЛИК МАДҲИ

Таниқли поляк ёзувчиси Здислав Новакнинг кўпқирали ижодий фаолияти серқуёш республикамиз билан ҳам чамбарчас боғланган. Диёримиз жўшқин ҳаёти билан боғлиқ очерклари учун у Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати деган унвонга сазовор бўлди.

Шундан кейин адибнинг Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи яна иккита китоби босилиб чиқди. «Чойхонадан ҳикоялар» деб номланган кайнинги тўплами айниқса — қизиқиш билан ўқилади.

Мазкур нашрда унинг ўзбек халқининг севимли фарзандларига бағишлаб ёзган очерклари ҳам ўрин олди. Биринчи ўзбек комсомоли Абдулла Набиевнинг ёрқин образи яратилган асар тарихий маълумотларга бой.

БЕРЛИНГАЧА ОТ ЎЙНАТИБ



Уруш бошлангач(махсус буйруқ билан жанубий чегараларидан старший сержант Бондаренко, сержант Ткачук ва оддий солдат Саъдулла Раҳматуллаевлар Мари шаҳрига етиб келишди. Уларни кичик командирлар тайёрловчи курс бошлиғи генерал лейтенант Шапкин кутиб олди. Вақт зиқ эди. Шунинг учун машғулотлар ўн саккиз соатлаб давом эттирилиб, курс программаси қисқа муддатда бажарилди. Сўнг чегарадан борганларни Фарғонада тузилаётган отлиқ аскарлар полкига жўнатишди. У ердан Саъдуллани яна офицерлар тайёрловчи мактабга чақиришди.

Ёш офицер Саъдулла Раҳматуллаев 1942 йилнинг ёз ойида душман қўшинлари мамлакатимиз пойтахти Москвага таҳдид солиб турган бир пайтда Смоленск областининг Жизра шаҳарчасига етиб келди. Жангчилар жангга кириш олдидан сўнгги бор саф тортишди. Майор унвонидаги командир жангчиларни кўздан кечириб чиқди-да, лейтенантга ўттиз нафар кишини ажратиб олишни буюрди.

Саъдулла бошчилигидаги йигирма саккиз нафар разведкачи шу ерда қолиб, жанговар операцияларга тайёргарлик кўра бошлашди. Яшириш кузатув пунктларидан ўртадаги кичик дарёнинг нариги қирғоғида душман эгаллаб турган позициялар синчиклаб ўрганилди. Кузатувлардан сўнг соҳилга яқин ялангликдаги сим тўсиқлар ортида душманнинг қандайдир муҳим постлари борлиги ва у ерда доимо соқчилар туриши маълум бўлди. Уларнинг қай пайтда алмашиниши аниқ белгилаб олингач, ана шу соқчилардан бирини тутиб келтириш ҳақида буйруқ олинди.

...Август ойи. Ёмғир шивалаб ёғиб турарди. Командир Саъдулла билан ўн бир нафар разведкачи қарағайзор оралаб, дарё бўйига келишди. Унча чуқур бўлмаган сувдан ҳеч қандай шов-шувсиз ўтишиб, нариги бетдаги ялангликка чиқишди. Сўнг бир-бир эмаклаб соқчи турган жойга етиб боришди. Тунги соат уч. Соқчи немис автоматини маҳкам ушлаганича постда мудраб ўтирарди. Уч «шарпа» унга аста яқинлашди-да, таппа ерга босди. Соқчи бу ногаҳон ҳамладан эсанкираб, овоз чиқаришга ҳам улгурмади, Аммо қўлида турган автомат тепкисини босиб юборди. Тун оғушида отилган ўқларнинг овози мудраб турган ўрмон ичини ларзага келтирди.

Бундай ҳолатни кутмаган разведкачилар ҳам бир лаҳза саросимага тушиб қолишди. Сўнг вақтни бой бермай, зудлик билан қўллари боғланган «тил»ни судраб, қирғоққа шошилишди. Фашистлар шу заҳотиёқ оёққа туришиб, аввалига нима гап бўлганини англашмай, пала-партиш ўқ ёғдиришди. Разведкачилар душманнинг ана шу саросимасидан фойдаланиб, дарё сувига тушиб олишга муваффақ бўлдилар. Бироқ қирғоққа етиб улгурмасданоқ осмонда тинимсиз порлаётган ракеталар, душман ўқлари остида қолишди.

— Ҳеч ким қирғоққа чиқмасин, — деб буйруқ берди разведкачиларга Саъдулла вазият танглигига кўзи етиб.

Улар бўйинларигача сувга ботган ҳолда дам шўнғиб, дам ҳаво олиб, бир ярим соатча сувда туришга мажбур бўлишди. Қирғоққа чиққанларида икки жангчи яраланганди. Биринчи жанговар топшириқни яхши бажариб келганлиги учун С. Раҳматуллаевга старший лейтенант унвони берилди.

— Бир куни қўл остимдаги саноқли отлиқ жангчилар билан ўрмонда келаётиб ғира-шира қоронғида тасодифан душман ротасига дуч келиб қолдик, — дейди Саъдулла ака жанг лавҳаларидан бирини эслаб.— Ҳаммамиз йиғилгач, душманнинг ана шу ротасига орқасидан ўтиб ҳужум қилишга қарор қилдик. Бунинг учун бир километрча йўлни айланиб ўтдик. Бизнинг ҳужумимизни кутмаган душман катта талафот кўрди. Аммо улар кўпчилик эди. Унинг устига бир неча пулеметлари шай турарди. Энг қизиғи шундаки, биз жанг қилаётган пайтда орқамиздаги отилаётган ўқ овозлари эшитилиб қолди. Унинг устига у борган сари кучайиб яқиндан эшитила бошлади.

Аввалига ҳайрон бўлдик, кейин билсак немисларнинг қандайдир полки биз билан жанг қилаётган ротага бирлашиш учун етиб келган эди. Биз ҳарбий ҳийла ишлатиб, ҳар икки томон билан отишиб турдик. Кейин бирин-кетин сездирмай келган еримиз билан четга чиқиб олдик. Шундан кейин немисларнинг ўзлари ўртасида шиддатли отишув бошланди. Улар фақат тонг отгандан кейингина бир-бирини қиришганини билишди.

Ҳа, Саъдулла Раҳматуллаев ҳарбий хизматни чегарадан бошлаб, даҳшатли уруш йилларн совет офицери, отлиқ аскар командири ҳамда шерюрак разведкачи сифатида танилди.

Унинг кўксини ҳозир жанговар хизмати ва ҳалол меҳнати учун 2 та «Қизил Юлдуз», «Октябрь революцияси», «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат белгиси» орденлари ва қатор медаллар безаб турибди. Собиқ фронтчи Тошкент районидаги Ильич номли колхозига бир неча йиллардан бери моҳирона раҳбарлик қилиб келмоқда.

Р. ШОДИЕВ.

ВЕТЕРАНЛАР ИЗЗАТДА

...ҚИШЛОҚ узра кўрнайсурнай овози янграйди. Кўксларида қўша-қўша орден ва медаллар порлаган Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари оқмининг кети кўринмайди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, «Узплодоовощчинпром»га қарашли 1-механизациялашган кўчма колонна кадрлар бўлимининг бошлиғи М. Шинников, Ленинград қамали иштирокчиси, Ўзгариш қишлоқ Совети ижроия комитетининг секретари Қ. Зокиров, 13-мактаб директори Х. Иброҳимов ва бошқаларга пионерлар гулдасталар тақдим этишади.

Калинин район уруш ва меҳнат ветеранлари учрашувини район ижроия комитетининг раиси Х. Аҳмедов очди. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари район Советининг раиси А. Қодиров немис-фашист босқинчиларн устидан қозонилган ғалабанинг 34 йиллиги ҳақида гапирди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинган А. Фадеев мукофотининг лауреати ёзувчи Адҳам Раҳмат ва жангчи шоир Назармат ўз хотираларидан гапирнб, Улуғ Ватан урушн темасидаги асарларидан намуналар ўқиб беришди.

Свердлов қишлоқ Советидаги Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранлари Советининг аъзоси Л. Охунов, район ҳарбий комиссари У. Султонов, Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранларн область Советининг аъзоси А. Акромов, райён партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров ўртоқлар ҳам уруш ва меҳнат ветеранларнни Буюк Ғалабанинг 34 йиллиги билан муборакбод этишди.

Шу куни М. В. Фрунзе номидаги қишлоқ Советида атоқли саркарда М. В. Фрунзе бюстининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ветеранлар Туркистонда социалистик жамият қурнш ишида олдинги сафда бўлган оташин курашчи бюсти остига гулчамбарлар қўйдилар.

Ш. РАҲИМОВ.

ҒАМХЎРЛИК

ЗАЛДА «Ғалаба куни» деган қўшиқ бараллa янграйди. Уни бутун вужуди билан тингласётганларнинг чеҳрасидаги вазминликни, жиддийликни пайқаб олиш қийин эмасди. Дарвоқе, қўшиқ Улуғ Ватан урушн йилларини, совет жангчилари қўлга киритган жаҳоншумул Ғалабани эсга солардн. Бемитлар ҳамманинг кўз ўнгидан ўша суронли йиллар воқеалари бир-бир ўтади.

Куйбишев район соғлиқни сақлаш бўлимининг 13-поликлиникаси залига бу сафар Улуғ Ватан урушн қатнашчилари йиғилишган. Бу ерда ҳар йили Ғалаба байрами олдидан ветеранлар билан учрашув ўтказиш анъанага айланиб қолган. Шифокорлар ва собиқ жангчилар учрашувини поликлиника бош врачи Т. У. Темирбулатова очди.

Партия ва ҳукуматимизнинг Улуғ Ватан урушн қатнашчиларига кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликларига жавобан район соғлиқни сақлаш ходимлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача ҳарбий комиссариат билан биргаликда районда истиқомат қилувчи 2,5 минг нафарга яқин Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, бир неча юз Улуғ Ватан урушн ногиронн рўйхатга олиниб, уларнинг ҳар бири маълум поликлиникаларга бириктирнб қўйилди. Барча шифохоналарда бахтимиз учун курашганларга навбатсиз медицина хизмати кўрсатилмоқда. Улар учун масъул врач ва ҳамширалар ажратилган. Медицина хизмати яхши йўлга қўйилганлиги туфайли шу йилнинг ўтган уч ойи давомида 96 нафар Улуғ Ватан урушн ногирони ўз соғлиғини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлди.

13-поликлиникада ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шифохона ҳисобида 329 нафар Улуғ Ватан урушн ногирони, 500 нафардан кўпроқ Улуғ Ватан урушн қатнашчиси бор.

Учрашувда йиғилганлар номидан сўзга чиққан Граждданлар ва Улуғ Ватан урушн ветерани Т. Н. Крошко, пенсионер Р. Солиҳов ўртоқлар Улуғ Ватан урушн қатнашчиларига кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

ВЕТЕРАН ВЕТЕРАН ҲАҚИДА

МОСКВА ОСТОНАСИДА

Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилиб, немис босқинчиларига қарши мардонавор курашганлар номи элда ардоқланади. Буларнинг сони кўп. Шулардан бири Сулаймон Қурбоновдир. У 1939 йили Низомий номидаги Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини тугатиб Тошкент районидаги 11 ва 12-ўрта мактабларда ўқитувчилик қила бошлаган. Аммо, немис фашистлари Ватанимизга бостириб киргач, бошқалар қатори у ҳам ихтиёрий равишда жангга отланди.

Сулаймон Қурбонов 1941 йилнинг август ва сентябрь ойларида Москвага яқин жойдаги миномётчилар курсида таълим олди. Курсни тугатгач, лейтенант унвони билан миномёт дивизиони командири этиб тайинланди.

Гитлерчиларнинг Ватанимиз пойтахти Москвага яқинлашиб қолгани ҳаммамизни ташвишга солди. Ҳаммамнинг қулоғи, дили, кўзи Москвага қаратилган эди. Немислар Москвани қўлга киритиш учун ўзининг сараланган кучлари билан 1941 йил сентябрь ва октябрь ойларида биринчи ҳужумни бошлади.

— Душман «Москвани қўлга киритиб Қизил майдонда парад ўтказамиз» деб жар солди. Ҳақиқатда, бу ваҳима эди. Шундай оғир кунда мен ҳизмат қилган 801-алоҳида артиллерия полки Москва остонасидаги генерал Панфилов қўмондонлик қилаётган 316-ўқчи дивизияга келиб қўшилди,— деб ҳикоя қилади миномёт дивизионининг командири лейтенант Сулаймон Қурбонов.— Биз қатор окоплар, траншеялар қазиб истеҳком ушладик. Москвалик ёзувчилар, одимлар, музыкачилардан ташкил топган Краснопресненск кўнгилли халқ дивизияси биз билан бирга эди. Бир неча кундан кейин октябрь ойида Сибирь дивизияси ҳам етиб келди. Москва ҳимоясига бутун мамлакат оёққа турди.

Ноябрь ойида душман иккинчи кучли ҳужумини бошлади. У бутун «артиллериядан отиб, бир ярим минг самолётдан бомба ёғдирар, минтлаб танк ва моторлашган қисмлар тўпдан, пулеметдан отиб пойтахтимизга қараб интилар эди.

Душманнинг шўнғувчи самолётлари чинқирар, пиёда аскарлар танклар кетидан устма-уст ҳужумга ўтарди. Бизнинг сон-саноқсиз самолётларимиз, танкларимиз, артиллериямиз қучли зарбага қарши ундан каттароқ куч билан зарба бера бошлади. Бизнинг миномётларимиз ўтидан ёпирилиб келаётган душман пиёдалари ер тишлар эди.

Жон бериб жон олаётган шундай оғир кунда кўплаб жангчиларимиз партия сафига кира бошладилар. Улар «коммунист бўлиб жанг қиламиз, ўлсак коммунист бўлиб ўламиз», дер эдилар.

Москва атрофидаги даҳшатли жанг 1942 йил февраль ойининг иккинчи ярмигача давом этди. Шу орада бизникилар душманни 400 километрга улоқтириб юборнб Москва душман ҳавфидан тўла озод қилинди. Ана шу жанглардан бирида лейтенант Сулаймон Қурбонов душманнинг бомба парчаси билан елкасидан ва сонидан қаттиқ яраланди. У ўз позициясида қаттиқ туриб, дивизионга командирлик қилар, фрицларни қадам қўйишига қўймай қирди. Ниҳоят кўплаб кетган қон лейтенант С. Қурбоновни йиқитди. Уни Рязань шаҳрига келтириб даволадилар...

Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди, истеъфодаги лейтенант С. Қурбонов Тошкент район К. Маркс қишлоқ Советида истиқомат қилади. Унинг кўксини 2 та «Қизил юлдуз» ордени, бир қанча жанговар медаллар безаб турибди. Бу унинг жасорати ва ватанпарварлигидан нишонлардир.

Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ, 18-армия ветерани.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР



Тошкентдаги кексалар уйида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат ветеранлари кўксини безаб турган орден ва медаллар немис-фашистларига қарши аёвсиз жангларда кўрсатган жасоратларидан, тинч қурилиш йилларидаги фидокорликларидан ҳикоя қилади. Бугунги байрамда улар жанговар нишонларини фахр билан кўкракларига тақиб чиқишади. Ям-яшил боғ қўйнида гуруҳлашиб, ёшлик йилларидаги оловли дамларни эслашади, фронт воқеаларини бир-бирларига ҳикоя қилиб беришади. Суратда: уруш ветеранларидан П. Н. Белоусов (чапдан), И. Галиев, А. И. Зарицкий, К. П. Ряхова, К. Кўчибоев, Ш. Тешабоев, В. Ф. Шуравин ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Абалян фотоси.

Н-БЎЛИНМАДАН ХАТ

СОЛДАТЛАР ТАБРИГИ

ҲАРБИЙ қурувчилар ишдан келишгач, рота командирининг буйруғига биноан сафга тизилишди. Рота командири бугунги ишда фидокорона меҳнат қилган солдатларга раҳматнома эълон қилди. Раҳматнома олганлар сафида Сандумар Қосимов ҳам бор. Сандумар Тошкент областининг Олмалиқ шаҳридан ҳарбий хизматга келган.

ВЛКСМ аъзоси, ҳарбий қурувчи, аълочи солдат Сандумар Қосимов ишда ҳам, интизомда ҳам, жанговар ва сиёсий тайёргарликда ҳам дўстларига ўрнак. Бўлимизда Сандумар сингари илғор жангчилар сафи кенгаймоқда. Биз фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 34 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан урушн ветеранларини, барча юртдошларимизни қизғин табриклаймиз. Совет кишиларининг тинч ижодий меҳнатини ҳимоя қилиш, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашдек муқаддас бурчимизга ҳамиша садоқатимизни изҳор этамиз.

Э. АБДУЛЛАЕВ, оддий солдат Н-бўлинма.



ЁДДАДИР, ЁДДА...

ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ.

Мен билан ўрта мактабда ва университетда бирга ўқиган, урушда бадарак кетган тенгқур дўстимнинг онаси барҳаёт. Қишлоққа ҳар гал борганимда шу сарсон ёшли муштипар онахонни зиёрат этаман. У мени кўриши билан талпиниб, ҳассасини қўлига олиб, ўрнидан қўзғалади. Пешонамдан ўпиб, «Ўғлим ҳам сендай бир кун эшикдан кириб келармикин. Ахир ундан хорахат келмаган. Бедарак кетганку?» дея бошидаги оқ сочидай қўҳна оқ дока рўмолини қуришган, озғин қўлдари билан тузатиб, олис уфққа қарайди.

Шунда ҳаёлимга Улуғ Ватан урушига кетган 20—25 ёшлардаги тенгқур дўстларимни эслайман. Биргина бизнинг кичкина қишлоғимиздан фронтга кетган йигитлардан мингга яқини қайтиб келмаган. Қишлоқда улар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойида туриб, шаҳид кетган дўстларим хотирасига бу сатрларни битганман:

Ел аста тебратар гулхан чўғини,
Эслатар дўстларнинг бунда йўғини.
Атамулло, Бурҳон, Файбулло дўстим.
Абдураҳмон, Саид, Абдулло дўстим,
Маматкарим, Қодир, Аҳмад, Исоқжон,
Мингдан ортиқ новлик жангда берган жон.
Шу сўнмас гулханнинг чўғи бўлибсиз,
Олис ўлкаларда мангу қолибсиз.
Табаррук изингиз қани дўстларим.
У ёниқ юзингиз қани дўстларим.
Қани у дилларга нур берган дийдор,
Мармар харсангларда бўлибсиз ёдгор!

Хотира қувончли кунларни, оғир дамларни асло унутмайди. Халқимиз қувончли кунларга — Ғалаба онларига етиш учун оғир дамларни бошидан кўп кечирган. Ўтган урушда мамлакатимиз 20 миллион фарзандидан ажралди. Бу Она Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонларини фидо этган марди майдонларнинг орасида менинг тенгдошларим кўпчиликни ташкил этади. Шунинг учун ҳам малакатимиз аҳолиси орасида менинг тенгқурларим жуда оз миқдорни ташкил этади.

Баъзида айрим кишилардан «сиз фронтчилар уруш йилларини жуда тез-тез эслаб турасизлар» деган сўзларини эшитиб қоламиз. Шунда, мен уларга ким ўз ёшлигини эсламайди деб савол бергим келади. Ёшлигимиз уруш йилларига тўғри келганлигига бизлар айбдор эмасмиз. Биз аҳир ажал комига дуч келиб, унинг жаҳдаҳо иштаҳасини писанд қилмай ўз ёшлигимиз, ўз бахтимиз ва келажак учун курашганмиз.

Шундай вақтларда савол берган ўшандай кишиларга шиддатли жангларда ҳавфли ёвларнинг қонли йўлларини тўсиб, ўзлари ҳалок бўлган баҳодирлар типидан бундай дегим келади:

Дўстлар менк изламанг
Она юртимдан бугун.
Мангу бўлсин деб баҳор
Халоқ бўлдим сиз учун.
Кайда бўлса номаълум
Жангчи қабри — у менман.
Тўхтанг енимда бир зум,
Хотирамни унутманг.

«Хотирамни унутманг» ибораснни ёдга келтирсам, 1944 йил кузида Польшанинг Нарев дарёси ёкасидаги жангларни эслайман. Ҳужум қилиб бораётган қўшинларимиз гитлерчи босқинчиларни таъқиб эта бориб, Нарев дарёсининг ғарбий соҳилига ўтиб олдилар. Душман бу плацдармни ўз бағрига сиғдирмаган ҳанжар деб ўйлади. Плацдармда бир неча кун узлуксиз шиддатли жанглар бўлди. Бу ерда пиёдалар, отлиқлар, танкчилар, тўпчилар, учувчилар, сапёрлар, алоқачилар, медиклар жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаётган душманга қарши жанг олиб бордилар. Дарёни кечиб ўтишда ва унинг ғарбий қирғоғида плацдарм эгаллашда биринчи мото-ўқчи батальон командирининг ўринбосари гвардиячи капитан, наманганлик йигит Мамасоли Жабборов мисли сиз жасорат кўрсатди. У ўз батальонини душманнинг бутун бир полкига қарши жангга кўтарди.

Соҳилда шиддатли жанглар бошланиб кетди. Жабборов батальонни моҳирона бошқариб, душман қаршилигини синдириб, душман ҳужумларини писанд қилмай ўз ёшлигимиз, ўз бахтимиз ва келажак учун чилар дарё соҳилида жуда кўп ўлган ва яралар бўлган солдатларини қолдириб орқага чекинди. Жабборов йигитлари соҳилга мустаҳкам ўрнашиб олиб, бошқа қисмларнинг дарёни кечиб ўтишларига қулай шароит яратдилар. Лекин бу ерда бўлган сўнгги шиддатли жангда довюрак Мамасоли Жабборов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уни дарё соҳилидаги Позивалк деб номланган кичкина қишлоққа дафн этдик. Мамасоли ҳоки ўша ерда абадий қолди. Унинг азамат шерикларн унинг қони учун қасосга кўтарилдилар. Душманни жангоҳларда яксон этаборнб, буюк ғалаба соатларига етиб бордилар.

Мен Мамасоли билан ёнмаён туриб, ёвга қарши жанг қилганман. У биринчи батальонда, мен эса иккинчи батальонда эдим. У менинг кўз олдимда ҳалок бўлди. Уни ўйласам, урушда ҳалок бўлган 20 миллион ватандош баҳодирларини эслайман. Улар ҳам худди Мамасолидай жангларда мислсиз жасорат кўрсатиб, она Ватанимиз эркини сақлаб қолиб, ажал олдида кўкракларини қалқон этганлар ва жангоҳларда ҳавфли душманни яксон қилганлар.

Уруш ўтган жойларда гитлерчи босқинчиларнинг беҳисоб, бешафқат ёвузликларини кўрганмиз. Гитлерчилар ўзлари вақтинча босиб олган жойларнинг аҳолисини ўлимга маҳкум этиб, уларни ўрмонларга ҳайдаб, атрофларини тиканли симлар билан ўраб ташлаб, оч-яланғоч қолдириб, ажал чоҳларига ташлаб кетаберганлар. 1943 йил кузида ва 1944 йил баҳорида қардош Белоруссиянинг Полесье ерларини душмандан озод қилганимизда бу ерларда фашист одамхўрларнинг қонли жиноятларидан ларзага келганмиз. Урмон ичидаги Озаричи деган жойда гитлерчилар атрофдаги қишлоқларнинг аҳолисини бу ерга йиғиб келиб, уларни ўлим лагерига ташлаганлар. Бу ерда неча минг гуноҳсиз ерли аҳоли қирилиб кетган. Белоруссиянинг бошқа жойларида ҳам гитлерчилар ўлим лагерларини пайдо этиб, бутун бир халқни йўқ қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу ўлим лагерида ерли аҳолидан икки миллионга яқин киши нобуд бўлган.

Белоруссия пойтахти Минскдан узоқ бўлмаган Хатинь қишлоғида урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. Бу ерда илгари ажойиб қишлоқ бўлган. Гитлерчилар келгандан кейин, бу ер аҳолисини партизанликда айблаб, уларни тахта саройларга қамаб, ўт қўйиб, тириклайин ёндириб юбордилар.

Аста юринг бу ҳоки покда,
Йўлакларда бош эгиб тўхтанг.
Унутманг, дер азиз тупроқдан
Кўтарилган мунгли бир оҳанг.
Тилсиз еллар шивирлашида
Қўнғироқлар нидоси такрор,
Япроқларнинг митирлешида
Шаҳидларнинг чеккан оҳи бор.
Йўл устидан кўринар қишлоқ,
Қишлоқ эмас, яқинлаб қаранг,
Уй ўрнида мўри,қўнғироқ
Таралади дардли бир оҳанг.

Баҳодир халқимиз, қаҳрамон Қуролли Кучларимиз Улуғ Ғалаба тантанаси бошланганига ўттиз тўрт йил бўлди. Лекин ўша оғир уруш жароҳатлари ҳали унутилгани йўқ. Жаҳонда эса урушни ҳаёл этувчи, бошқа мамлакатларга кўз олайтирувчи ёвуз ниятли кучлар йўқ эмас. Вьетнамда, Яқин Шарқ, Африка, Жанубий Америка ерларида қон тўкилмоқда.

Башарият ҳамма вақт осудаликни, тинчликни истаб келган. Башарият бизнинг мамлакатимизни тинчлик мамлакати, Қуролли Кучларимизни тинчлик посбонлари деб билади. Ҳа, жаҳонга тинчлик — давлатимизнинг эзгу сиёсатидир. «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўрқ» китоблари учун, тинчлик йўлида ҳормай-толмай олиб бораётган кураши учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин мукофоти берилиши Коммунистик партия ва давлатимиз тинчлик йўлидаги қудратли куч эканлигининг партия ва давлатимиз раҳбарининг тинчлик ишидаги улкан хизматларига жаҳон халқлари қойил қолаётганликларининг ёркин далилидир.

Совет Қуролли Кучлари — Улуғ Октябрь ғалабаларининг, коммунизм қурувчилари бунёдкорлик меҳнатининг содиқ, ишончли посбонларидир. Улар қардош социалистик мамлакатлар армиялари билан биргаликда ҳар қандай агрессорни яксон қилиб ташлашга доим тайёрдирлар.

Ёддадир, ёдда бўронли йиллар,
Ёддадир жангда йиқилган дўстлар.
Ёддадир, ёдда ёниб, ҳилпираб
Мардлар қонига бўялган байроқ,
Ёддадир жангда зафарга чорлаб,
Шону шуҳратга ўралган байроқ.

НАЗАРМАТ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 МАЙ СОАТ 19.00 ДА
МУҲИДДИН ҚОРИЕВ ҮБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Холисхон ҚОДИРОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА. Солистлар: Ғуломжон ЭҚУБОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Онабиби АҲМЕДОВА, Нодира АҲМЕДОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Карима УЗОҚОВА, Раҳима РИХСИЕВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Тоҳир ЮСУПОВ.

Оригинал жанрда: Саттор ИСЛОМОВ.

Интермедия ва юморда: Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Ансамблнинг музика раҳбари Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Утнир СИДДИҚОВ ва Нодира АҲМЕДОВА олиб борадилар.

Ўзбек Давлат филармониясининг бадиий раҳбари Ғани ТУЛАҒАНОВ.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Опа-сингил АВДЕЕВАлар ижросида «СЕМАФОР-ГИГАНТ» АТТРАКЦИОНИ

«ҚОДИР-ҒУЛОМ» ТУЯДА АКРОБАТЛАР

Бадиий раҳбар Галина ЗАВАДСКАЯ.

Михаил СИМОНОВ раҳбарлигидаги «АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ».

Янги цирк санъат асарлари Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, «ГУСАР ҚИССАСИ» бадиий фильмининг қатнашчиси, Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Валерий ДЕНИСОВ ижросида «ЧАВАНДОЗЛИҚНИНГ ОЛИЙ САНЪАТИ».

Масхарабозлар Юрий САВЕЛЬЕВ ва Александр ЛОГИНОВлар ижросида ИНТЕРМЕДИЯЛАР ВА РЕПРИЗЛАР

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 13.00, 16.00, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-35-95.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

24 МАЙ—10 ИЮНЬ КУНЛАРИ
КИЕВ МЮЗИК-ХОЛЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ телевизион конкурсларининг лауреати Татьяна КОЧЕРГИНА.

«РОМЕН МАЙСИГО» трноси — лўлилар халқ қўшиқлари.

Халқаро қўшиқлар конкурсларининг лауреати Богдан ЗАГУРСКА (Польша Халқ Республикаси).

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреатлари: Николай ГНАТЮК, Николай МОЗГОВОЙ, Михаил РУДЕНКО; Евгения, Дмитрий ва Алексей СИНИЦАЛАР; Екатерина ва Леонид КРАТАСЮКЛАР.

ЭСТРАДА-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.
ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ.

Бош дирижёр — А. ХАМРАЙ.

Бадиий раҳбар — Украина ССР халқ артисти, Х халқаро ёшлар фестивалининг лауреати Лев СИЛАЕВ.

Концертлар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН 19 МАЙГАЧА ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ва Свердлов номли концерт зали кассаларида сотилмоқда.

Администратор телефони: 46-07-53.

ЭЛИМИЗНИНГ ДОВЮРАК ҚИЗИ



БАҲОР қуёши нурларига чўлғанган буюк шаҳар — Москва кўчалари бўйлаб бир аёл оҳиста одимлайди.

Бу аёл номи тилларда достон бўлган, ёвуз душманга қарши жангу-жадалларда мислсиз жасорат кўрсатган, ҳозирда ҳам метин иродаси куч ва билими билан ёшларга ватанпарварлик намунасини кўрсатаётган Зебохон Ғаниевадир.

Фильм кадрлари биринкетин алмашинади.

Ана у 16 ёшли қорақош қиз дугоналари даврасида.

Ана у ҳарбий кийимда, мустаҳкам тўсиқлар ўрнатилган Москва кўчасидан шахдам юриб бормоқда.

Ана у қуролдош дўст-дугоналари даврасида ўзбекча рақсга тушмоқда.

Ана — чеҳраси жиддий, снайпер милтиғи билан душманни мўлжалга олмоқда...

Зебо Ғаниева ҳақида кўп марта ёзилган. «Фронтчи аёл» картинаси суратга олинган. Яқинда партиямиз Марказий органи «Правда» газетаси у ҳақда яна бир марта жонли ҳикоя қилиб берди.

Мард эл қизи шу кунларда Тошкент меҳмони. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида З. Ғаниева партия ходимлари ва журналистлар билан учрашди.

1941 йил октябрида Москвадаги кўплаб кўнгиллилар қатори партия ходимлари, комсомоллар, халқ зиёлиларидан иборат, Учинчи Коммунистик дивизия ташкил қилинди. Менга ҳам қурол, ўқ-дори ва ёндирувчи суюқлик солинган шиша беришди. Душман билан Волоколамское шоссесидаги Хлебниково қишлоғи ёнида биринчи марта юзма-юз келдик. Старое Руссо шаҳрини озод қилишда қатнашдим.

Бир воқеа ҳануз эсимдан чиқмайди. Бу шимолий-ғарбий фронтда рўй берган эди. Биз бир гуруҳ снайперлар дивизия разведкасида хизмат қилардик. Шу кунлари уруш шароити сабабли озиқ-овқатимизда туз камчил бўлиб қолди. Бир куни кечқурун тузсиз бўтқа еб, дам олаётган эдик. Кимдир ҳазин қўшиқ бошлади. Шунда ертўлага жангчилардан бири кириб келди-да:

— Бу нимаси?! Қани, бошларингни кўтаринглар! Мен сизларга туз олиб келдим,— деди.


Бу жангчи уста-боши лойга беланиб, йиртилган, рангида ранг қолмаган Саша Каменев эди. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб кетдик. Шу куни тунда разведкага бориб, дивизия штабига муҳим бир «тил» олиб келтирдик.

Ана шу жангларда қатнашиб, жанговар Қизил Байроқ орденига сазовор бўлган Зебохон қаттиқ яраланди. Кўп маротаба у жарроҳ столига ётқизилди. Лекин метин иродали аёл қаддини букмай, дард билан курашди ва енгиб чиқди.

У ҳозир СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида ишламоқда:

А. АБДУБАННОПОВ.





Суратларда: (чапдан) саломатлик комплексининг кўриниши; касалхонанинг хирургия бўлимида.

А. Абалян фотолари.

КОЛХОЗДА САЛОМАТЛИК КОМПЛЕКСИ

ҚИШЛОҚ меҳнаткашлари соғлиғи ҳақидаги ғамхўрлик йил сайин ортиб боряпти. Партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари саҳат-саломатлигини янада яхшилаш юзасидан қабул қилган қарорларида бу масалага ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Қишлоқ меҳнаткашларига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан қатор муҳим тадбирлар белгиланди. Жойларда ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг турли формаларидан фойдаланилмоқда. Эндиликда кўплаб замонавий медицина кабинетлари, шифохона ва санаторийлар қишлоқ аҳли хизматида.

Шу йилнинг ўзидаёқ колхоз ва совхозларда соғлиқни сақлаш ишини ривожлантиришга кўплаб маблағ сарфланди. Талайгина малакали медицина ходимлари қишлоқ шифохоналарига ишга юборилди. Мавжуд касалхона ва поликлиникаларнинг даволаш фаолияти кенгайтирилди.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози территориясида қурилган саломатлик комплекси яқинда фойдаланишга топширилди. Узоқдан кўзга яққол ташланиб турган бу биринчи район касалхонаси жуда баҳаво ерга жойлашган. Унинг ён-атрофи келгусида янада обод ва кўркам бўлади, сўлим боғ-роғлар барпо этилади.

Янги шифохонада 180 бемор даволаниши мумкин. Шу билан бирга касалхона ҳузурида замонавий типдаги поликлиника ҳам очилди. У кунига 500 беморга тиббий хизмат қила олади.

Шифохонанинг бўлим ва лабораториялари замонавий медицина асбоб-ускуналари билан тўла таъминланди. Даволашда самарали натижалар берадиган мураккаб препаратлар ҳам олинди.

Касалхонанинг хирургия, терапевтика ва неврология бўлимлари малакали медицина ходимларига эга. Шунингдек, бу бўлимлар ҳузурида махсус консультация бурчаклари ташкил этилади.

Бу ерда дори-дармонларга бой дорихона ҳам очилмоқда. Рентген ва функционал диагностика кабинетлари дастлабки беморларни қабул қилишга тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, махсус лабораториялар фаолият кўрсатади.

Саломатлик комплексининг очилиши муносабати билан бу ерда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингни район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов қисқача кириш сўзи билан очди.

Колхозлараро қурилиш трестининг бошқарувчиси А. Турсунов, «Ленин йўли» колхозининг раиси С. Муҳаммаджонов, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Р. Ҳамидов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, қишлоқ меҳнаткашларига тортиқ қилинган бу саломатлик комплекси партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари саҳат-саломатлиги йўлидаги ғамхўрлигининг яна бир далили бўлганлигини маънуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри ўртоқ С. Орипов қизил лентани кеса туриб, янги касалхонани қуришда «Ленин йўли» колхози катта ҳиммат кўрсатганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Саломатлик комплекси очилишида область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, область ижроия комитети раисининг ўринбосарлари Г. Б. Йўлдошева ва Н. И. Малихин ўртоқлар иштирок этдилар.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ № 177—178

КАРПОВ ВА ТАЛЬ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Монреалда жаҳоннинг энг кучли шахматчилари иштирокида ўтказилган турнир ниҳоясига етди. Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан жаҳоннинг собиқ чемпиони Михаил Таль ўринчи-иккинчи ўринларни бўлишиб олдилар. Ўта машҳур гроссмейстерлар иштирок этган ва икки даврада ўтказилган бу мусобақада Карпов билан Таль тенг 12 тадан очко тўплади. Венгриялик гроссмейстер Лайош Портиш 10,5 очко билан учинчи ўринни олди.

ЕВРОПА БИРИНЧИЛИГИ

Кёльнда бокс бўйича Европа биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Совет спорти шарафини ҳимоя қилаётган А. Кошкин, В. Рибаков, В. Демьяненко, С. Қўноқбоев, В. Савченколар ғалаба қозониб, навбатдаги босқичга чиқишди. Чемпионатда мамлакат терма командаси сафида тошкентлик армиячи Владимир Шинь ҳам иштирок этмоқда.

ҒАЛАБА КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

Бугун Тошкент отчопарида Ғалаба кунига бағишлаб катта спорт байрами бўлади. Республикамизнинг энг кучли чавандозлари маҳоратларини намойиш этадилар, ДОСААФчи спортчилар турли классдаги мотоцикл ва енгил машиналарда пойгалашадилар. Шунингдек, Ўзбекистон XVIII спартакнадаси программаси асосида чавандозларнинг беллашувлари ҳам старт олади.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

Республика спартакнадаси ҳал қилувчи паллага кирди. Шу ойнинг ўзида қолган 22 тур бўйича ҳам ғолиблар аниқланади. Ҳозиргача эса 15 тур бўйича ўтказилган мусобақалар поёнига етди. Тошкент области вакиллари команда ҳисобида олдинда боришмоқда.

Бугун Қўқонда баскетболчиларнинг финал ўйинлари бошланади. Биринчи-учинчи ўринлар учун Тошкент, Фарғона ва Самарқанд командалари даъвогарлик қилишмоқда. Пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадионида эса теннисчиларнинг беллашувлари давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд области командалари саралаш ўйинларини муваффақиятли якунлаб, финалга чиқишди. «Восток» клубида мерганлик бўйича уч кунги беллашувлардан кейин Тошкент шаҳар командаси пешқадамлик қилмоқда.

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

«Ёшлик» спорт аренасида «Тошкент оқшоми»ва «Вечерний Ташкент» газеталари соврини учун самбо бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнирида бугун яна бешта вазнда ғолиблар аниқланади. Ўтган куни тбилисилик К. Арабури, А. Окрикиридзе, З. Бахтадзе, тожикистонлик Носир Бозоров ва бухоролик Раҳмат Асадовлар ғолиб чиқишганди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бизнинг бахтли болалигимиз. 10.35 — Ҳужжатли фильмлар. 11.20 — Менинг генералим. Бадиий фильм. 1—2 сериялар. 13.45 — Бу йўлларни биз асло унутмаймиз. 14.30 — Бугун — Ғалаба байрами. СССР граждан мудофааси бошлиғи, СССР Мудофаа министри ўринбосари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, Армия генерали А. Т. Алтунин сўзи. 14.45 — Концерт. 15.15 — Корчагинчилар. 2-қисм. 16.15 — Киноконцерт. 17.20 — Фронтдош дўстлар клуби. 18.50 — Ерда ҳаёт тантанаси учун. 19.20 — Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 19.40 — Д. Шостакович нинг 5-симфонияси. 20.25 — Совет Иттифоқи чет эллик мехмонлар нигоҳи билан. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Кинофотопед. 2-фильм. 21.30 — Вақт. 22.15 — Концерт. 23.15 — Ҳужжатли фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қалбимнинг олтин сояси. 10.50 — Чин сеҳргар. Бадиий фильм. 11.55 — Мактаб ўқувчилари учун. 17.40 — Жаҳон болалари. 18.10 — От спорти байрами. 18.55 — Ахборот. 19.10 — Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи, генерал майор Г. Ф. Кривошеев сўзи. 19.20—Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 19.40 — Ғалаба кунига бағишланган кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телевизион новеллалар театри. 21.30 — Вақт. 22.15 — Ғалаба кунига бағишланган музикали кўрсатув.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40—Болалар учун фильм. 18.50 — Олис юлдуз шуъласи. Бадиий фильм. 1-серия. 20.00—Янгиликлар. 20.20 — Болалар бизнинг бойлигимиз. 20.50 — Май ойи эди. Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/V да Бир актли балетлар, 11/V да Севги ҳақида афсона (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/V да Олтин девор (12.00), Келинлар қўзғолони (19.00), 10/V да Томоша давом этади, 11/V да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/V да Кулги кечаси (12.00, 19.00), 10/V да Олифта, 11/V да Хотинимнинг эри.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/V да Тинмасин соз, 11/V да Ҳаммомга бало борми? (19.00).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент.—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07242. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2389.